

## ГЕНДЕР ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎСМИР ЁШДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА ИЖТИМОЙ РОЛЛАРНИ ТАРКИБ ТОПТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Тожибоева Хилолаxon Махмутовна

Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти (ЎзПФТИ)  
директорининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича ўринбосари, педагогика фанлари доктори (DSc), катта илмий ходим

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7316462>

**Аннотация.** Ушбу мақолада гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда ижтимоий ролларни таркиб топтириши йўллари, воситалари, таъсир этувчи омиллар ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, мақолада ижтимоий роллар тақсимодининг асосини биологик омиллар таъкидланган.

**Калит сўзлар:** гендер ёндашув, гендер маданият, ижтимоий роллар, ўсмир ёшдаги ўқувчи, гендер онг, ижтимоий-педагогик омиллар, воситалар, педагогик имкониятлар, гендер стереотиплар.

### СПОСОБЫ СОСТАВЛЕНИЯ СОЦИАЛЬНЫХ РОЛИ У ШКОЛЬНИКОВ-ПОДРОСТКОВ НА ОСНОВЕ ГЕНДЕРНОГО ПОДХОДА

**Аннотация.** В данной статье на основе гендерного подхода обсуждаются способы, средства и факторы воздействия на формирование социальных ролей у школьников-подростков. В статье также говорится, что биологические факторы составляют основу распределения социальных ролей.

**Ключевые слова:** гендерный подход, гендерная культура, социальные роли, школьник-подросток, гендерное сознание, социально-педагогические факторы, инструменты, педагогические возможности, гендерные стереотипы.

### WAYS OF COMPOSING SOCIAL ROLES IN ADOLESCENT STUDENTS BASED ON THE GENDER APPROACH

**Abstract.** In this article, based on the gender approach, the ways, means, and influencing factors of forming social roles in adolescent students are discussed. The article also states that biological factors form the basis of the distribution of social roles.

**Key words:** gender approach, gender culture, social roles, adolescent student, gender consciousness, socio-pedagogical factors, tools, pedagogical opportunities, gender stereotypes.

Бугунги кунга келиб анъанавий гендер стереотиплар ижтимоий воқелик таъсирида ўзгариб бормоқда. Глобаллашув натижасида оммавий маданиятнинг тобора кенгрок худудларни қамраб олаётганлиги туфайли гендер маданиятнинг ўзига хос шакллари диффузияга учрамоқда. Гендер маданиятнинг тараққиёти ҳам прогрессив ва регрессив характерга эга. Шунга кўра гендер маданиятнинг ўзгариб бораётганлиги ушбу йўналишда изланишларни амалга ошириш, айниқса ўсмир ёшдаги ўқувчиларда оммавий маданиятга қарши иммунитетни шакллантиришда гендер ёндашувга таяниш заруриятини кучайтирмоқда.

Шахсининг гендер идентификацияси ва ижтимоий ролларининг унга мувофиқлиги масаласи кун сайин долзарбланимоқда. Гендер маданиятнинг бугунги кунда ўз ечимини кутаётган муаммоларини педагогик нуқтаи назардан ёндошган ҳолда аниқлаш ёш авлодни маънавий ахлоқий тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ахлоқий маданият ўзининг гендер хусусиятларига эга. Бунда аёллар учун бажариш мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар, кадриятлар билан боғлиқ ҳолда ажратиб кўрсатилади. Бироқ уларнинг айримларини эркаклар бажаришларига йўл қўйилмайди. Эстетик маданият ҳам гендер характерга эга. Чунки аёллар ва эркаклар орасида гўзаллик ўзаро фарқланади. Ҳам ҳаётда ҳам санъатда бу фарқ яққол кўринади[1].

Ислон дини тамойилларига кўра аёллар ва эркакларга хос бўлган стереотиплар мавжуд. Жинсларга хос хатти-ҳаракатларнинг аксарияти асрлар давомида кадрият даражасига кўтарилиб, бугунги кунга қадар етиб келган. Мазкур кадриятларнинг аксарияти ўзбек халқининг турмуш тарзи, урф-одатларига сингиб кетган. Бу аёллар ва эркакларнинг кундалик эҳтиёжлари, ҳаётининг фаолиятлари, ижтимоий турмуш ва муайян тарихий шароит талабларига кўра эркаклар ва аёлларга хос ролларнинг ўзаро ўрин аллшмашиниши, эркаклик ва аёллик моделларида намоён бўладиган миллий анъаналарда ўз ифодасини топади.

Кўриниб турибдики, гендер – маданиятнинг ажралмас қисми бўлганлиги учун ҳам бугунги кунда “оммавий маданият”нинг бир бўлаги сифатида намоён бўлмоқда. Бунда кўзга ташланаётган энг муҳим ҳолат гендер роллар ва гендер қиёфаларнинг аллшмашинишидир[2]. Бундай аллшмашиниш айниқса ўсмир ёшдаги ўғил ва қиз болалар қиёфасида яққол намоён бўлмоқда. Маълумки, ўсмир ёшдаги ўғил ва қиз болалар онгига “оммавий маданият” жадаллик билан таъсир кўрсатмоқда. Бу эса гендер онгнинг ўзгаришига олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам биз бугунги Ўзбекистон жамиятида гендер қиёфаларнинг шаклланишида “оммавий маданият”нинг таъсирини таҳлил этишга ҳаракат қиламиз. Шу асосда гендер зиддиятларни бартараф этиш орқали ўсмир ёшдаги ўқувчилар онгига гендерга хос қарашларни таркиб топтиришнинг педагогик воситалари, усул ва методларини тадбиқ этиш мақсадини амалга оширамыз.

Шу мақсадда биз ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш мақсадида гендер онгнинг ўзига хос жиҳатлари ва ижтимоий воқеликнинг унга кўрсатадиган таъсирини ҳам рефлексив методлар ёрдамида аниқлашга интилдик [4]. Эркаклик ва аёллик ижтимоий воқеликнинг таркибий қисми сифатида муайян маданий установакалар, хулқ-атвор меъёрлари, ижтимоий роллар, кадриятли йўналишлар, эркак ва аёлларга хос бўлган хатти-ҳаракатлар мажмуини мужассамлаштиради.


Ўз табиатига кўра миллий маданият асрлар синовидан ўтган кадриятлар мажмуидир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, “оммавий маданият” ўсмир ёшдаги ўғил ва қиз болаларга ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. Гендер хусусиятлар болаларда ижтимоийлашиш жараёнида шаклланади. Катта бўлган сари болалар уларга қандай хулқ-атвор стереотиплари ва фаолият турлари хослигини билиб оладилар. Шу билан бир қаторда жинсий хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда қандай ролларни бажариши керак, қайсиларини бажариш хос эмаслигини ҳам англаб етади. Ўғил ва қиз болаларнинг жинсларига кўра роллари хулқ-атвор шаклларида намоён бўлади. Буларнинг барчаси кўплаб ўзгаришлар билан боғлиқ. Шундай ўзгаришлардан бири маданиятдаги ўзгаришлардир.

Ўғил ва қиз болалар орасида турли фарқлар улар хулқ-атворининг манбаи ҳисобланади. Бундай фарқлар меҳнат тақсимотини тўғри ташкил этиш учун зарур

ҳисобланади. Меҳнатнинг тақсимланиши бир қатор ҳолатларнинг вужудга келишига асос бўлади. Масалан, қаҳр-ғазабнинг вужудга келиши, ғамхўрлик кўрсатиш, ривожланишга бўлган эҳтиёжнинг вужудга келиши кабилар. Гендер хусусиятлар асосан ўсмирлик ёшида яққол намоён бўлади[3]. Чунки бу ёшда ўқувчилар ижтимоийлаша бошлайдилар. Натижада улар хулқ-атворнинг ўзига хос жиҳатлари ва фаолиятнинг муайян турларини эгаллай бошлайдилар. Натижада ўсмирлар қандай ролларни бажариш унга тўғри келиши, қайсилари тўғри келмаслигини англаб етадилар.

Жамият ҳаётининг бир маромда кечиши учун муайян мувозанатни сақлаш зарур. Бу табиий ресурслар, жамият аъзолари томонидан яратилган моддий қадриятлар ва демографик кўрсаткичлардир. Бу далиллар жамият аъзоларининг хулқ-атворида таъсир кўрсатиб, улар орасида ролларнинг тақсимланишига асос бўлади. Ижтимоий роллар тақсимотининг асосини биологик омиллар ташкил этади. Айнан хулқ-атвордаги фарқлар атроф-муҳитдаги шарт-шароитларни аниқловчи омил ҳисобланади. Бу муайян қоидаларга асосланган хулқ-атвор кўринишлари бўлиб, ўғил ёки қиз болаларга хослиги намоён бўлади. Бу маданиятни ифодаловчи хатти-ҳаракатлар мажмуи бўлиб, тескари алоқани ифодалайди (2.2-расм).



**1-расм. Гендер маданиятнинг замонавий шакллари ва вужудга келтирувчи ижтимоий-педагогик омиллар**

Бундай хулқ-атвор шахснинг эътиқодлари, установкалари, қадриятларини намоён этади. Турли маданиятларда ташқи муҳитга хос бўлган турли шароитлар намоён бўлади. Шунга кўра гендер хусусиятлар ҳам маданият билан боғлиқ ҳолда шаклланади.

Айни бир маданиятда эркак ва аёлларнинг тенглиги ва улар орасидаги фарқлар эътироф этилса, бу ҳаёт тарзи ва психологик хусусиятларда ҳам ўз ифодасини топади. Бошқа бир маданиятда жинслар ва уларнинг хатти-ҳаракатлари орасида кескин фарқлар мавжудлиги намоён бўлади. Бундай психологик хусусиятлар уларнинг ҳаёт давомийлигини таъминлаш ва ёш авлодни ривожланиши учун ғамхўрлик қилишида ҳам акс этади. У ёки бу маданиятда устиворлик қиладиган гендер фарқлар турли йўналишларга ҳам эга. Айни бир маданиятда барча қарорлар эркаклар томонидан қабул қилиниб, аёллар унга бўйсунса, бошқа бир маданиятда асосий тенденциялар қарама-қарши характер касб этиши мумкин.

Маданиятнинг бундай модели бой, ранг-баранг гендер тараққиётнинг таъминланишини тавсифлайди. Шу билан бир қаторда аниқланган гендер фарқлар кроссмаданиятнинг барқарорлиги билан изоҳланади. Бу муайян маданият учун хос бўлган ҳаёт тарзи билан боғлиқ ҳолда у ёки бу жинс вакиллари хулқ-атворида қатъийлашади.

Гендер фарқлар ижтимоий-маданий ёндашувлар билан бир қаторда биологик моделларни ҳам ўз ичига олади.

Бугунги кунда ОАВда жамиятда қабул қилинган гендер роллар кенг тарғиб қилинмоқда. Гендер стереотипларнинг шаклланишига айниқса телевидения ва рекламаларнинг таъсири катта бўлмоқда. Анъанавий гендер ролларнинг ўзгариши ҳаёт тарзининг бузилишига олиб келмоқда. Бундай бузилишга ёшлар катта хисса қўшмоқдалар. Бошқа бир томондан бундай таъсир ёшларда оммавий онгнинг шаклланишига катта хисса қўшмоқда.

Жамият ҳаётига босқичма босқич ноанъанавий аёл ва эркак қиёфасининг кириб келиши гендер муносабатлар субъектларида толерантликка асосланган муносабатларнинг шаклланишига асос бўлмоқда. Миллий маданиятимизда асрлар давомида жамият аъзолари онгида эркак ва аёлларга хос хулқ-атвор стереотиплари, урф-одат ва установакалар шаклланган. Бундай хулқ-атвор стереотипларига жамиятнинг аксарият вакиллари қатъий амал қилиб келмоқдалар. Улар хос маданият вакиллари сифатида эътироф этилмоқдалар.

Хулқ-атворнинг янгича моделлари шаклланишида шахснинг ижтимоийлашувига ўзига хос тарзда қўмаклашаётган оммавий алоҳида хисса қўшмоқда. Мазкур воситалар ёшларда янгича гендер хулқ-атвор стереотиплари шаклланишига хизмат қилмоқда. Бу соҳада нодавлат телеканаллар, ижтимоий тармоқларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Эркак ва аёлларга хос роллар ОАВ орқали тарғиб этилмоқда.

Оммавий ахборот воситалари аёллар ва эркакларга хос замонавий ролларни тарғиб қилиш орқали ёш авлод айниқса ўсмирлар онгига катта таъсир кўрсатмоқда. Натижада уларда “оммавий маданият”га хос хулқ-атвор стереотиплари, установакалар, эътиқодлар таркиб топаётти. Шунинг учун ҳам ўсмирларда жамият эҳтиёжлари ва талабларига мос хулқ-атвор стереотипларини шакллантиришда ОАВнинг масъулиятини ошириш талаб қилинмоқда.

Айни пайтда бу ўсмир ёшдаги ўқувчилар томонидан жамиятда қабул қилинган гендерга хос маданий стереотиплар сифатида идрок этилади. Гендер роллар ва стереотиплар қанчалик барқарор бўлмасин, “оммавий маданият” таъсирида ОАВ ёрдамида оммалашади ва кенг аудиторияларга мўлжалланади. Бундай аудиторияларда асосан ўсмир ёшдаги ўқувчилар ва талаба ёшларнинг иштироки назарда тутилади.

Ўғил ва қиз болаларнинг ижтимоийлашиш жараёни бир-биридан кескин фарқ қилиб, улардан жинсга хос ролларни ўзлаштиришни талаб қилади. Жинсга хос роллар – ижтимоий хулқ-атвор модели бўлиб, талаблар, стереотиплар, шарт-шароитлар мажмуи бўлиб, ўғил ва қиз болаларга йўналтирилади.

Бугунги кунда ўғил ва қиз болаларда гендер стереотипларнинг шаклланишида ижтимоий тармоқлар катта таъсир кўрсатмоқда. Ўсмир ёшдаги ўғил ва қиз болалар гибрид маданиятга хос бўлган ролларни ўзлаштиришда алоҳида ташаббус кўрсатмоқдалар.

Бунда рекламанинг ўрни беқиёс бўлиб, қизларга хос бўлмаган турли кийимлар, тақинчоқларни тавсия қилса, ўғил болалар учун ноодатий бўлган соч турмаклари, либосларни тарғиб қилишга катта ўрин ажратмоқда. “Оммавий маданият”нинг таъсири ўғил ва қиз болаларнинг нутқи, хатти-ҳаракатлари, мимикаси, соч турмаклари ва интилишларига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Ўсмирларнинг тасавурида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар хақиқий оламни намойиш қилувчи асосий восита сифатида таассурот қолдирмоқда. Улар ўзлари учун жозибали бўлган нарсаларни ижтимоий тармоқдан изламоқдалар. Улар олаётган ахборотлар ўғил ва қиз болалар учун хос бўлмаган стереотипларни ҳам тақдим қилмоқда.

Айниқса, қиз болалар учун хос бўлмаган хулқ-атвор стереотипларини улар онгига сингдириш жадал кечмоқда. Қизларга хос бўлган анъанавий сифатлар инкор қилиниб, уларни замонавийлаштириш тарғиб этилмоқда. Бу эса қизлар хулқ-атворида мешчанлик, мода кетидан қувиш, дағаллик, миллий анъаналарга хос бўлмаган кийиниш тарзи, оилага беҳурматлик, уни қадрият даражасида идрок этмаслик каби салбий сифатларни таркиб топтирмоқда. Аксарият қизлар ўғил болаларга хос кийимлар кийиш, сочларини эркакча турмаклашни афзал кўрмоқдалар. Уларнинг нутқида ноодатий иборалар кенг қўлланилмоқда. Чекиш, спиртли ичимликларни ичиш, дискотекаларда ўғил болалар билан биргаликда рақс тушиш, беҳаёликни тарғиб қилаётган кинофильмларни кўриш, қизлар хаётининг асосий мазмунига айланмоқда. Ярим яланғоч кийимлар, татировкалар, миллатимизга хос бўлмаган ноодатий соч турмаклари ҳам ўсмир ёшдаги қизлар орасида кенг тарқалмоқда. Бу эса қизларга хос анъанавий роллар ва сифатларни инкор қилмоқда.

Юқорида кўрсатилган далилларнинг барчаси ўсмир ёшдаги ўқувчиларда гендер ёндашув асосида “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш, ушбу мақсадга йўналтирилган педагогик жараёнда маданиятшуносликка асосланган ёндашувга таяниш, ушбу ёндашув доирасида ўсмир ёшдаги ўқувчиларни ижтимоийлаштиришнинг педагогик имкониятларини кенгайтириш каби муаммоларнинг ечими алоҳида долзарблик касб этаётганлигини кўрсатади.

## REFERENCES

1. Hofstede G. Masculinity and Femininity: The taboo dimension of national cultures, 1998. SAGE Publications Inc. 238 p.
2. [https://www.yaneuch.ru/cat\\_08/gendernye-stereotipy-n-smjelzer/9817.579399.page1.html](https://www.yaneuch.ru/cat_08/gendernye-stereotipy-n-smjelzer/9817.579399.page1.html)
3. Гидденс Энтони. \_ Социология. 1999 -704с.
4. Тожибоева Х.М. “Гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришнинг педагогик стратегиялари” // Монография. – Тошкент: “Tafakkur qanoti” нашриёти, 2021. – 208 бет.